

## Муддатли офлайн депозит Ш А Р Т Н О М А С И №

шаҳри

сана

«Ипотека-банк» АТИБ \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда “Банк” деб номланади) номидан \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ – сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи филиал бошқарувчиси \_\_\_\_\_ бир тарафдан, \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда “Депозитор” деб номланади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ иккинчи тарафдан, биргаликда эса “Томонлар” деб юритилувчилар ушбу шартномани (кейинги ўринларда “Шартнома” деб юритилади) қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Депозитор” “Банк” га \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм (кейинги ўринларда “Депозит” деб юритилади) миқдоридаги пул маблағини депозит ҳисобварағига келиб тушган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ га қадар муддатли депозит сифатида беради.

1.2. Мазкур шартномада кўрсатилган муддат давомида берилган депозит маблағидан фойдаланганлиги учун Банк Депозиторга 365 кун ҳисоблаган ҳолда йиллик \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) фоиз миқдорида устама ҳақи тўлайди.

1.3. Депозит суммасига фоизлар Депозит Банкка тушган куннинг кейинги кунидан бошлаб, то у Депозиторга қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра Депозиторнинг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилади ва кейинги ойнинг биринчи иш кунидан тўлаб берилади. Депозит муддати тугаганда, ҳисобланган фоизлар депозитни қайтариш кунидан тўлаб берилади. Агар тўловларни ўтказиш куни дам олиш кунига тўғри келса, кейинги банк иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тўлаб берилиши лозим.

1.4. Депозит маблағларини муддатидан олдин қисман қайтариш ҳамда қўшимча маблағлар билан тўлдириш имконияти мавжуд эмас.

### 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Депозиторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Шартномани 1.1. бандида кўрсатилган депозит маблағини 3 (уч) банк иш кунидан Банк томонидан очилган № \_\_\_\_\_ муддатли депозит ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.1.2. Депозит муддатидан олдин тўлиқ қайтариб беришни талаб қилишдан олдин, Банкни депозит қайтариладиган санадан камида 10 (ўн) кун олдин ёзма равишда огоҳлантиради.

2.1.3. Депозит ҳисобварағини очиш учун сўралган барча керакли ҳужжатларни Банкга тақдим этади.

2.2. Банкнинг мажбуриятлари:

2.2.1. Депозитор номига муддатли депозит ҳисобварағи очади.

2.2.2. Депозитор тарафидан жойлаштирилган депозитни бутлигини таъминлайди.

2.2.3. Депозитдан фойдаланганлик учун фоизларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 764 – моддаси ва “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги (АВ 3460-сон 29.09.2023)” Низомга асосан ҳисоблайди.

2.2.4. Депозит бўйича ҳисобланган фоизлардан даромад солиғини солиқ агенти сифати Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ушлаб қолади.

2.2.5. Мазкур шартноманинг 1.1. – бандида келтирилган муддат тугагач депозит маблағи ва ҳисобланган фоизларни Депозиторнинг ҳисобварағига ўтказиши. Агар тўловларни ўтказиш куни дам олиш кунларига тўғри келса (ушбу кунларга ҳам фоиз ҳисоблаган ҳолда), кейинги банк иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ўтказиб беради.

2.2.6. Депозитни тўлиқ муддатидан олдин олиш бўйича Депозитордан талабнома олинган тақдирда, Банк талабномани олгандан кейин 10 (ўн) иш кун ичида Депозиторга Депозит суммасини ортиқча тўлаб берилган фоизларни чегириб қолган ҳолда ўтказиб беради. Фоизлар, маблағдан фойдаланган давр учун йилда 365 (Уч юз олтмиш беш) кун ҳисобидан келиб чиқиб қуйида келтирилган миқдорларда қайта ҳисоб китоб қилинади:

1 ойгача қайтарилганда 0%

1 ойдан 3 ойгача қайтарилганда жалб қилинган фоиз ставкаси- (минус) 9,5 дан

3 ойдан 6 ойгача қайтарилганда жалб қилинган фоиз ставкаси- (минус) 7 дан

6 ойдан 12 ойгача қайтарилганда жалб қилинган фоиз ставкаси- (минус) 6 дан

12 ойдан 24 ойгача қайтарилганда жалб қилинган фоиз ставкаси- (минус) 5 дан.

2.2.7. Депозиторнинг ёзма суровномасига асосан тўлов манбаидан ушлаб қолинган солиқлар тўғрисидаги маълумотномани Депозиторга тақдим этади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

3.1. Депозитор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. Депозитор депозитни тўлиқ шартномада кўрсатилган муддатга қадар муддатидан олдин қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бунда Банк Депозиторга Депозитни амалда жойлаштирилган муддат учун фоизларни мазкур Шартноманинг 2.2.6. – бандида келтирилган шартларга асосан тўлаб беради.

3.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Мазкур шартномани шартларини ўзгартириш бўйича таклиф билан Банк Депозиторга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартнома шартларига киритилган ўзгартиришлар Депозиторнинг розилиги ва шартномага қўшимча келишув бўлган тақдирда амалга оширилади.

### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. Депозиторнинг талаби билан шартномада белгиланган муддатларда депозит қайтарилмаган тақдирда ва / ёки белгиланган тўловлар (фоизлар) уз вақтида тўланмаганда, хар бир кечиктирилган кун учун банк кечиктирилган сумманинг 0,2 фоизи миқдорида кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда депозиторга жарима (пеня) тулайди.

4.3. Пеняларни тўлаш тарафларни мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

#### **5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТНОМАНИ ҲЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1. Шартнома тарафлар ўртасида имзоланган ва депозит ҳисоб рақамига маблағлар жойлаштирилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда Тарафлар уз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади.

5.2. Томонларнинг икки тарафлама розилигига асосан Шартномага қўшимча келишув тузилиб, унда келишилган шартлар асосида депозит муддати узайтирилиши мумкин. Бунда манфаатдор томон иккинчи томонга депозит амал қилиш муддати тугашидан камида 5 (беш) кун олдин таклиф билан мурожаат қилади.

5.3. Депозит шартномаси суммасини ўзгартириш бўйича қўшимча келишув тузиш мумкин эмас.

5.4. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда ёзилиб, иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, мухрлари билан тасдиқланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

5.5. Бир томон иккинчи томонни 10 (ўн) кундан кам бўлмаган муддатдан аввал огохлантирган ҳолда, унинг ёзма розилигига асосан Мазкур шартномани бекор қилиши мумкин.

#### **6. МАХФИЙЛИК**

6.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

6.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

6.3. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тулик ҳажмда қоплайди.

#### **7. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

7.1. Тарафлар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс – мажор) ҳолатлари юзага келганлиги яъни тарафларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари, ижтимоий – иқтисодий ҳолатлар сабабли шартнома шартларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаган тақдирда жавобгарликдан озод қилинадилар.

7.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс – мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кучки, бурон, кургокчилик ва бошқалар), ижтимоий – иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

7.3. Форс – мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунга қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

#### **8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Тарафларнинг почта манзиллари, мулкчилик шакли ва реквизитлари ўзгарган тақдирда бири бирларини ушбу ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб 10 (ун) кун ичида таъсис ҳужжатлари ва бошқа расмий маълумотларни тақдим қилган ҳолда огохлантириш мажбуриятини оладилар. Акс ҳолда эски реквизитлар бўйича пул маблағларни ўтказиб юборган ёки хабарномалар юборган тараф Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади.

8.2. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчиликлар ёки низоларни музоқора йўли билан хал этадилар. Агар тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни тинч йул билан хал этишга эриша олмаган тақдирда, мазкур келишмовчилик ва низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали хал этилади.

8.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади.

“Банк”

«Ипотека-банк» АТИБ \_\_\_\_\_

шаҳри,

ИНН:  
Ҳисобварақ  
№  
МФО

“Депозитор”

\_\_\_\_\_

ИНН:  
Ҳисобварақ  
№  
МФО

\_\_\_\_\_